

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ

# Одам савдоси ва мажбурий меҳнат

## асосий тушунча ва фойдали маслаҳатлар

## Одам савдоси деганда нимани тушуниш керак?
## Одам савдоси – замонавий қулликнинг бир шаклидир!

**Одам савдосининг белгилари:**

-Инсон **мустақил** равишда ҳаракатланиш эркинлигига **эга бўлмайди**;

-Унга нисбатан **жисмоний ва руҳий** жиҳатдан **тазйиқ ўтказилади**;

-**Шахсий маблағларни мустақил** тасарруф эта **олмайди**;

-Хизмати эвазига пул тўланмайди ёки **жуда** ҳам **кам миқдорда ҳақ тўланади**;

-Катта қарзга эга бўла туриб, уни тўлашга қодир бўлмаган ҳолда, қарз берувчи томонидан узоқ вақт давомида **мажбурий меҳнатга жалб қилинади**.

**Одам савдоси қуйидаги босқичларда амалга оширилади:**

**- Сохта ёллаш** – инсоннинг заиф ҳолатидан фойдаланган ҳолда унга иш ёки бошқа манфаатли ҳамкорликни таклиф қилиб уни қармоққа илинтиради;

**- Ташиш ва узатиш** – мисол учун, қармоққа илинган шахсни у ишга ёлланиши керак бўлган жойга кўчиришади ва уларни назорат қиладиган одамларга ( “эксплуататорларга” ) топширади;

**- Эксплуатация** – мисол учун, сохта ваъдалар, таҳдидлар, шантаж билан, ҳаракатланишини чеклаш мақсадида паспортини ушлаб туриш ва бошқа усулларни қўллаш орқали одамни хавфсиз бўлмаган шароитларда жуда кўп соатлаб ишлатади.

**Одам савдоси билан шуғулланувчилар кимлар?**

1.Одам савдоси билан шуғулланувчилар ҳар қандай кишилар бўлиши мумкин – катта ёшдагилар ёки болалар, эркаклар ёки аёллар, баъзилари бегона, баъзилари эса дўстларингиз ёки ёқтирган инсонингиз бўлиши мумкин. Улар қурбонлар билан шахсан ёки тармоқлар орқали онлайн тарзда учрашишлари мумкин.

2.Баъзида оила аъзоларнинг ўзлари тирикчилик важидан ёки пул ва гиёҳванд моддалар эвазига ўз яқинларини сотиши мумкин.

3.Одам савдоси билан шуғулланувчилар модел бўлиш, қўшиқ айтиш ёки раққосалик каби сохта ишларни таклиф қилишлари мумкин. Шунингдек, улар ишончингизга кириш мақсадида дўстингиз, ёқтирган, севган инсонингиз ёки ҳамкасбингизга айланиши ҳам мумкин.

**Одам савдоси қаерда юз бериши мумкин?**

Одам савдоси ҳар қандай жойда юз бериши мумкин, у шаҳар бўлсин ёки қишлоқ. Одамлар фабрикалар, фермалар, ўрмон хўжаликлари, ресторанлар, барлар, қурилиш майдонлари, меҳмонхоналар каби кўплаб соҳалардаги ишларга ҳам жалб қилиниши мумкин.

**Одам савдосидан кўпинча кимлар жабр кўради?**

Таҳлилларга кўра, етарли билим, маълумот ва малакага эга бўлмаган шахслар, шунингдек ўзи, оила аъзолари ва яқинларининг ҳаёти, соғлиги, хавфсизлигига етарли даражада эътибор қаратмайдиган ёки бундай масалаларда бефарқ бўлган кишилар ёҳуд тез фурсатда енгил ва мўмай даромад олиш илинжида юрганлар одам савдоси жабрдийдаларининг асосий қисмини ташкил этади.

**Одам савдосидан ўзингизни асранг!**

Бормоқчи бўлган жойингиз, иш таклиф қилаётган кимсалар, яшаш ва ишлаш шароитлари ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот тўплашга ҳаракат қилинг! Шубҳали таклифлардан эҳтиёт бўлинг!

**Ўз билим ва тажрибангиз етишмаса, ваколатли давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ишонч телефонлари орқали кўпроқ маълумот олишингиз мумкин эканлигини унутманг!**

**“Бундай ҳолат мен билан содир бўлмайди”, деган фикрда бўлсангиз, адашасиз. Айнан шундай ёндашув одам савдосининг аксарият жабрдийдалари тутган йўлдир.**

**Одам савдосидан қандай огоҳ бўлиш мумкин?**

- ўзингизда ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантиринг ва бу орқали хавфсизлигингизни таъминланг;
- ижтимоий тармоқлардаги шахсий профилингизга нотаниш шахслар киришини тақиқлаб қўйинг;
- ижтимоий тармоқларда нотаниш шахслар томонидан дўстлик таклифи келиб тушганда эҳтиёткорлик билан иш тутинг;
- жиноятчилар тушкунликка тушган шахсларни ўз таъсир доираларига туширишга ҳаракат қилишади;
- гиёҳванд моддалар ёки спиртли ичимликларни истеъмол қилиш одам савдоси қурбонига айланиш эҳтимолини оширади;
- мактаб, коллеж, лицейларда аъло баҳоларга ўқинг, ўқув муассасалардаги тўгаракларга қатнашинг ва тадбирларда фаол иштирок этинг;
- жиноятчилар кўп ҳолларда ёлғизланиб қолган шахсларни қидиришади. Оила-аъзоларингиз ва дўстларингиз билан доим яқин алоқада бўлинг. Сизга ёрдам керак бўлганда албатта уларга мурожаат қилиб, ёрдам, маслаҳат, сўранг;
- ишга қабул қилиш таклифига рози бўлишдан олдин яхшилаб ўйлаб, бу таклифни синчковлик билан ўрганиб кўринг;
- иш берувчингизни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар орқали текшириб кўринг, фақат қонуний ишда ишланг.

**Қуйидаги ҳолларда қўшимча эҳтиёткорлик чоралари сифатида тажрибали кишилар ва ваколатли давлат идоралари, тегишли нодавлат нотижорат ташкилотлардан маслаҳат ва қўшимча маълумотлар олиш зарур:**

- Сизга хорижда катта маош берадиган ишни ваъда қилишса;
- Сизга хорижда бепул таълим олишни ваъда қилишса;
- Таклиф этилаётган иш ёки ўқиш бўйича тўлиқ бўлмаган, шубҳали ёки мазмунан бир-бирига зид маълумотларга дуч келсангиз;
- Ишга кетишдан олдин иш берувчи корхонанинг имкониятлари билан танишиш ва ёзма меҳнат шартномасини тузиш имконияти мавжуд бўлмаса;
- Ишга кетаётган жойда иш ва турар жой мавжудлигига ишончингиз ҳосил бўлмаса;
- Ишлаш учун кетаётган жойнинг манзили ва телефон рақамлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш ва яқинларингизга қолдириш имконияти мавжуд бўлмаса;
- Сизни турли (телефон, интернет, реклама эълонлари ва бевосита мулоқот) йўллари билан ишга таклиф қилишаётган бўлишса;
- Йўл ҳужжатлари ёки шахсий ҳужжатларни қалбакилаштиришни таклиф этишса;
- Янги иш ёки сафарингиз ҳақида оилангиз билан гаплашмасликни илтимос қилишса;
- Қарзни узиш учун хорижда ишлашни таклиф этишса;
- "Чет элда ишлаш учун расмий ҳужжат ёки рухсатнома керак эмас!", дейишса;
- Турли баҳоналар билан сафаргача ёки сафар давомида ҳужжатингизни олиб қўйишса;
- Учинчи шахслар сизни давлат чегарасидан ноқонуний равишда ўтказишга ҳаракат қилсалар;
- Чегара ёки божхона назорати ходимларига ёлғон маълумот беришга ундасалар;
- Бегона шахс исм-шарифи, ёҳуд муайян "лақаб" билан юришни маслаҳат беришса;
- Сизни сафардан олдин ёки сафар давомида назорат қилишга ҳаракат қилсалар;
- Бораётган жойингизнинг аниқ ва тўлиқ манзилини билмасангиз.

**Ҳар қандай бошқа ҳолатларда ҳам, ўз ҳаётингиз, хавфсизлигингиз ва соғлиғингизга бефарқ бўлманг! Сизга иш таклиф қилаётганларни ва улар бераётган ҳар қандай маълумотни атрофлича ўрганиб чиқинг, текширинг.**

**Бунинг учун, қуйидаги давлат идораларига мурожаат этишингиз мумкин:**

- ✓ Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;
- ✓ Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази.

**Одам савдоси жинояти ва уни содир этганлик учун жавобгарлик**

Одам савдосининг қурбони бўлган ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқароси – давлат ҳимоясида бўлиб, одам савдоси билан шуғулланадиган ҳар бир шахс Ўзбекистон қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилади!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Трансчегаравий ҳарактерга эга бўлган одам савдоси Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида оғир ва ўта оғир жиноят сифатида таснифланади. У шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 135-моддасига асосан, одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш – **уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

**Ўша ҳаракатлар:**

A) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали;

B) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

C) ожиз аҳволдаги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

D) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

E) такроран ёки хавфли ретседивист томонидан;

F) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилиб;

G) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

H) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга зид тарзда ушлаб турган ҳолда;

I) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

J) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

## Ўша ҳаракатлар:

А) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

Б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

С) ўта хавфли ретсидивист томонидан содир этилган бўлса;

D) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, - саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Одам савдоси (ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш)да жиноий жавобгарлик юзага келишининг зарур шарти одамни эксплуатация қилишга қаратилган мақсад мавжудлиги ҳисобланади.

Одамни эксплуатация қилиш бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки бошқа кўринишдаги шаҳвоний эксплуатацияни, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллий ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксизлик ҳолати ёки одам аъзолари, тўқималари олинишини англатади. (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қароридан).

Одам савдосига тааллуқли бўлмаса ҳам, бировнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр қиммати, мулки ёҳуд бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига аниқ жавобгарлик белгиланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси бир қатор бошқа давлатлар билан жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги битим ва шартномалар имзоланган. Бундай ҳужжатлар асосида, Ўзбекистон ҳудудида ёки унинг фуқароси (резиденти) га нисбтан қаерда бўлса ҳам жиноят содир эттан шахслар, хорижда яшириниб юрган бўлсалар ҳам, жиноий жавобгарликка тортилади.

**УНУТМАНГ!**

Қайси мамлакатда бўлишингиздан қатъи назар, инсон сифатида асосий ҳуқуқларингиз ҳимоя қилинишига ҳақлисиз.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида сиз Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясидадирсиз!

Ортингизда сизни оила аъзоларингиз, фарзандларингиз, яқинларингиз ва дўстларингиз кутмоқда!

**Ёрдам ва ҳимоя учун қаерга мурожаат қилиш мумкин?**
**Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси**

+998 99 311-01-01 www.ht.gov.uz

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги**
Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 3.
+998 71 233-28-28, +998 71 233-69-46, 1164
Ватанга қайтиш сертификати масалалари бўйича:
+998 71 233-67-23
www.mfa.uz

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**
Тошкент шаҳри, Ю.Ражабий кўчаси 1.
+998 71 231-36-50, +998 71 231-33-36, 1102
www.mvd.uz

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5.
+998 71 236-26-10, 1008
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Тошкент шаҳри, Академик Я.Ғуломов кўчаси, 66.
+998 71 232-10-07, 1007
www.prokuratura.uz

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги**
Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 15
+998 71 200-06-00, +998 71 239-41-12, +998 71 239-41-21
www.mehnat.uz

**Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги**
Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 1.
+998 71 202-33-55, +998 71 200-00-61, 1282
www.migration.uz www.labormigration.uz

**Халқаро миграция ташкилотининг Марказий Осиё бўйича мувофиқлаштириш идораси**
Нур-Султон шаҳри, Қозоғистон Республикаси
Нур-Султон, Бокей хан, 14, БМТ биноси, офис-213
+7 7172 69-65-53, +7 7172 46-91-86
www.iom.kz – iomastana@iom.int

**Халқаро Миграция ташкилотининг Олма отадаги идораси**
Олма ота шаҳри, Зверева кўчаси, 6а.
+7 727 258-22-40, +7 727 258-49-07
www.iom.kz – iomalmaty@iom.int

**Халқаро Миграция ташкилотининг Москва шаҳридаги бюроси**
Москва, 2-Звенигородская кўчаси, 12.
+7 495 797-87-22, +7 499 253-35-22
www.moscow.iom.int – iommoscow@iom.int

**Халқаро Миграция ташкилотининг Туркиядаги бўлинмалари**
Анқара шаҳрида: 415, Birlik mahallesi, Cadde No: 11, Birlesmis Millatlar Binasi,
Cankaya, Ankara, Turkey
+90 312 4554-11-46, +90 312 496-14-95
ankmission@iom.int
Истанбул шаҳрида: Barbaros Bulvari, Orhan Birman Is Merkezi, Kat: 2 No:149,
Balmumcu/Besiktas, Istanbul, Turkey
+90 212 293-50-00, +90 212 249-27-33
iiomistanbul@iom.int

**Халқаро Миграция ташкилотининг Корея Республикасидаги идораси**
Internation Organization for Migration (IOM) RM.910, Union Center, 837-11 Yeoksam-dong, Gangnam-gu, Seoul 135-080, Republic of Korea.
+82 2 523-76-47, +82 2 523-76-48
www.iom.or.kr – iom@iom.or.kr

# РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУДУДИДА БЎЛИБ ТУРГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИГА АЛОҲИДА

# ЭСЛАТМА

*Қонуний шарт-шароитлардагина меҳнат фаолиятини амалга оширинг!*

*Ғайриоддий ҳолатларга (жиноятларга) сезгудек бўлсангиз дарҳол ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилинг!*

*Ҳеч қандай қийинчиликсиз юқори даромадли иш таклиф қилинса эҳтиёт бўлинг! Бу алдов бўлиши мумкин*

*Ижтимоий тармоқлардаги хабар ва янгиликларни тўғри таҳлил қилинг!*

**Осон ва мўмай даромад ҳар доим ҳам бахт келтирмайди!**




**Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 228-моддасига кўра** – Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини сезиларли даражада сотиш мақсадларисиз ноқонуний равишда олиш, сақлаш, ташиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки улар таркибидаги қисмларни ўз ичига олган ўсимликларни сотишдан мақсадсиз ноқонуний олиш, сақлаш, ташиш – учун 40.000 рублгача жарима, 480 соатгача мажбурий меҳнат ва ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан якун топади. Ушбу ҳолатнинг оғирлаштирувчи турларида эса айбланувчи 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

*Нафс ортидан боши берк кўчада қолиб кетманг, зеро сизни уйда яқинларингиз кутмоқда !*


https://www.facebook.com/migratsiya/
https://t.me/migratsiyaagentligi
https://cutt.ly/cgP52lb
www.labormigration.uz
www.migration.uz
Онлайн консулта[illegible] хизм[illegible]
consalting.labormigration.uz
info@migration.uz
+99871 202-33-55
+99871 200-00-61, 1282